

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиклик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда фаолиятини илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 августдан бошлаб:

Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истикболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилсин;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) очиклик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индекси жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

а) Очиклик индекси қуйидаги индикаторлар асосида баҳоланади:

давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлиги;

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида ахборотларни жойлаштириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш ҳолати;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйилиши;

бюджет жараёнининг очиклигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилиши;

Очик маълумотлар порталида маълумотлар жойлаштирилиши;

оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилиниши;

коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиклик тамойилларидан фойдаланиш ҳолати;

жамоатчилик кенгаши фаолиятининг самарадорлиги;

б) Очиклик индексини баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Очиклик индекси «0» баллдан «100» баллгача баҳоланиб, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти самарадорлиги «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилади;

баҳолаш ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан 31 декабрга қадар бўлган даврини ўз ичига қамраб олади;

2022 йилда Очиклик индекси 1 июлдан бошлаб жорий йилнинг иккинчи ярми қамраб олинган давр учун баҳоланади;

Очиклик индексини ҳисоблаш натижалари ҳар йили 1 апрелга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан «eanticor.uz» электрон платформаси ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик (А. Бурханов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (А. Абдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларига кўра қуйидаги чораларни кўриб борсин:

а) «яшил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш;

б) «сарик» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш ва амалий ёрдам бериш;

в) «қизил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларида:

очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида таклиф киритиш;

очиқликни таъминлашда йўл қўйилаётган тизимли камчиликларни ўрганиш, бартараф этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

амалга оширилган ишлар ва қўрилган чоралар ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳисоботлари ҳар ярим йилда Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитулади;

баҳолаш натижалари эълон қилинган, бир ой муддатда фаолияти «қизил» тоифада баҳоланган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқлик соҳасида йўл қўйган камчиликлари ва уларни бартараф этиш бўйича режалаштирган чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат тизимидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахбороти Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида эшитулади.

Ҳукумат тизимига кирмайдиган ташкилотлар раҳбарларининг ахборотини Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитиш ҳамда натижасига кўра тегишли чораларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Белгилансинки, Агентликнинг тавсиясига асосан бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бир йилда бир марта фаолияти «яшил» тоифада баҳоланган давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлари бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида рағбатлантирилади.

7. Агентлик ҳузурида унинг директори раҳбарлигида масъул давлат органлари ва ташкилотлари вакилларида иборат таркибда Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссияси ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индексини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва Очиқлик индекси бўйича якуний қарор қабул қилиш;

ҳар ярим йилда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар, режалаштирилган лойиҳалар ва чора-тадбирлар ижросини муҳокама қилиб бориш;

таҳлиллар ва кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш ва долзарблигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги янги лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш.

8. Агентлик (А. Бурханов) Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат органлари ва ташкилотлари учун ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштиришда уларни паспортлаш тизимини жорий этиш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифларни;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофавий мониторинг қилиш, натижаларини расмийлаштириш ва кўриб чиқиш муддатларини белгиловчи тартибни.

9. 2022 йил 1 июлдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштиришда (эълон қилишда) қуйидаги тартиб белгилансин:

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари расмий веб-сайтининг бош саҳифасида алоҳида бўлимга жойлаштирилади;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар расмий веб-сайтининг бошқа саҳифасига (веб-манзилга) жойлаштирилган тақдирда, улар эълон қилинмаган деб ҳисобланади ва Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методиканинг баҳолаш мезони бажарилмаган деб топилади.

10. Агентликка давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига очиқлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантириш эълон қилиш;

очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан расмий веб-сайт ва бошқа ахборот ресурсларида эълон қилинган очиқ маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳақида сўровнома юбориш.

Белгилансинки, Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва сўровномалари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўн кун муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши шарт.

11. Агентлик (А. Бурханов):

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) билан биргаликда илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимлари билан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий хусусиятга эга бўлган очиқликни таъминлаш соҳасида қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарликни белгиловчи намунавий шартларни ишлаб чиқсин ва эълон қилсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (А. Абдуллаев) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар очиқликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиш, очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, шунингдек, Очиқлик индексини баҳолаш жараёнларини Ягона идоралараро ахборот тизими (платформа) орқали йўлга қўйилишини таъминласин.

12. Агентлик (А. Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларини мунтазам ўқитиш ва малакасини ошириш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов)га мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳиятини ҳамда Очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Агентлик икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 июнь,
ПФ-154-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича

МЕТОДИКА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика (кейинги ўринларда — Методика) давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиш, соҳада амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш орқали Очиқлик индексини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

2. Баҳолаш давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, баҳолаш, тизимли равишда йўл қўйиладиган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда очиқ маълумотларни эълон қилишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган механизмларини жорий этиш мақсадида ўтказилади.

3. Баҳолаш ва мазкур фаолиятда иштирок этадиган давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан амалга оширилади.

4. Ушбу Методикада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссияси — Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг зарур билим ва тажрибага эга юқори малакали мутахассис ва экспертларидан иборат таркибда тузиладиган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш натижалари бўйича Очиқлик индексини ҳисоблаш ҳақида якуний қарор қабул қиладиган, мувофиқлаштирувчи орган томонидан шакллантириладиган коллегиал орган;

давлат органлари ва ташкилотлари — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари;

индикатор — очиқлик бўйича амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлашда баҳоланиши лозим бўлган асосий кўрсаткич;

мувофиқлаштирувчи орган (ишчи орган) — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

масъул ходимлар — очикликка оид қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилган давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмалари ходимлари;

мониторинг қилиш ва баҳолаш — индикаторларда белгиланган мезонлар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очикликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш орқали уларнинг энг юқори натижадан энг паст натижагача сараланган рўйхатдаги ўрнини белгилаш;

баҳолашда иштирок этадиган давлат органлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

қонунийлик — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолашни қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга ошириш;

бетарафлик — мониторинг ва баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг ходимлари ўз ваколат ва вазифаларини ҳар қандай давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қатъи назар, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириши;

холислик — давлат органлари ва ташкилотларининг очиклик соҳасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни субъектив фикрларнинг таъсир қилишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш;

махфийликни таъминлаш — давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат, шунингдек, ошкор этилиши натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ёхуд давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни эълон қилишда қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя қилиш;

очиклик ва шаффофлик — мониторинг ва баҳолаш фаолияти ҳақидаги маълумот ва ахборотлардан тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда, уларни белгиланган ахборот ресурсларига жойлаштириш;

ишончлилик — мувофиқлаштирувчи органнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очикликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашда очик эълон қилинган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материалларни талаб қилиб олиши, уларнинг ҳаққонийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда мустақил манбалар орқали ўрганишни амалга ошириши.

6. Баҳолаш мазкур Методикага 1 — 8-иловаларда келтирилган алоҳида мезонлардан ташкил топган индикаторлар асосида амалга оширилади.

2-боб. Мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби

7. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги Агентлик томонидан мониторинг қилиб борилади.

8. Давлат органлари ва ташкилотларида очиклик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлик ва натижадорлик даражаси Методикага тегишли иловалар бўйича қуйидаги масъул давлат органлари томонидан баҳолаш индикаторлари ва мезонлари асосида баҳоланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги — Методикага 1-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича;

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси — Методикага 2-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича;

Агентлик — Методикага 3, 6 — 8-иловаларда назарда тутилган мезонлар бўйича;

Молия вазирлиги — Методикага 4-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича;

Давлат статистика кўмитаси — Методикага 5-иловада назарда тутилган мезонлар бўйича.

9. Баҳолашда тўпланган баллар расмий веб-сайт, Очiq маълумотлар портали, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар, махсус дастурий таъминот ва унинг мобил иловалари ҳамда бошқа ахборот ресурсларида жойлаштирилган (қонунчилик ҳужжатлари, индикатор ёки баҳолаш мезонида ахборот ресурси аниқ кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) статистик ва таҳлилий маълумотлар, шунингдек, жорий этилган механизм ҳамда платформаларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

10. Ахборот ресурсларида янгилаб боришнинг аниқ муддати қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланмаган тақдирда, маълумотларни янгилаб боришнинг охириги муддати қуйидаги тартибда ҳисобланади:

доимий (мунтазам) янгилаб бориладиган маълумотлар — бир суткадан кечиктирмай;

ҳар ойда янгилаб бориладиган маълумотлар — кейинги ойнинг бешинчи санаси;

ҳар чоракда янгилаб бориладиган маълумотлар — ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санаси;

ҳар ярим йилликда (ҳар олти ойда) янгилаб бориладиган маълумотлар — ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг ўн бешинчи санаси;

ҳар йиллик (бир йилда бир маротаба) янгилаб бориладиган маълумотлар — ҳар йил якунидан кейинги йилнинг 20 февраль санаси.

11. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва натижадорлигининг рейтинги Агентлик (ишчи органи) томонидан аниқланади.

Бунда, рейтинг ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олади.

12. Индикаторлар кесимида тўпланган балларни ҳисоблаш баҳолашда иштирок этадиган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Баҳолашда иштирок этадиган давлат органлари ўзлари масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мазкур Методикага 9-иловадаги схемага асосан мувофиқлаштирувчи органга ҳар йили 10 мартга қадар расмий тартибда юборади.

Тўпланган балларни ҳисоблаш натижаларининг ҳаққонийлиги ёки асослилигига шубҳа уйғотувчи ҳолат мавжудлиги аниқланган тақдирда, улар мувофиқлаштирувчи орган томонидан қайта ўрганиб чиқиши мумкин.

13. Агентлик ҳар йили 20 мартга қадар барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини давлат органлари ва ташкилотлари кесимида умумлаштириб, Очиклик индексини ҳисоблаш натижаларини кўриб чиқиш учун Очикликни таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссиясига (кейинги ўринларда — Баҳолаш комиссияси) тақдим этади.

Агентлик Баҳолаш комиссияси ихтиёрига Очиклик индексини ҳисоблаш натижалари билан бирга қуйидагиларни қамраб олган ўз хулосасини тақдим этади:

баҳолаш йилида очикликни таъминлаш соҳасида юқори самарадорликка эришган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг амалиётга самарали жорий этган ижобий иш тажрибаси;

юқори самарадорликка эришган давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар;

баҳолаш йилида энг паст натижаларни қайд этган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг индикатор ва мезонлар кесимида ижро этмаган кўрсаткичлари ҳамда йўл қўйган камчиликлари таҳлили;

камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури бўйича таклифлар;

чукур таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликни таъминлаш фаолиятида йўл қўйиб келинаётган ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, соҳада илғор халқаро стандартларни кенг жорий этиш орқали самарадорлик ҳамда натижадорликни янада ошириш чоралари бўйича таклифлар;

жорий йилда очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чоратадбирлар, режалаштирилган лойиҳалар, ҳудуд ва тармоқларга мазкур фаолиятга тааллуқли дастурларини юқори савияда ижро қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар.

14. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари Баҳолаш комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

15. Баҳолаш комиссияси таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

16. Агентлик директори Баҳолаш комиссиясининг раиси ҳисобланиб, унинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

17. Баҳолаш комиссияси камида етти нафар аъзодан иборат таркибда Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг тавсияси асосида Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

18. Баҳолаш комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони баҳолаш йўналишлари ҳамда индикатор кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

19. Баҳолаш комиссияси аъзолари ҳолис бўлиши ва баҳолаш якунларидан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

20. Баҳолаш комиссияси ишига раис раҳбарлик қилади. У Баҳолаш комиссиясининг регламентини тасдиқлайди, мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ташкиллаштиради ва қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек, Баҳолаш комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Баҳолаш комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

21. Баҳолаш комиссияси раисининг ўринбосари Агентлик директорининг тавсияси билан комиссия қарори асосида тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

22. Баҳолаш комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган котиби ташкил этади.

23. Қоидага кўра, Баҳолаш комиссияси котиби Агентлик масъул ходимлари орасидан комиссия қарори асосида тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

24. Баҳолаш комиссиясининг ишчи органи вазифа ва ваколатлари Агентлик томонидан амалга оширилади.

25. Баҳолаш комиссиясининг ҳар бир аъзоси Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари бўйича овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Баҳолаш комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

26. Баҳолаш комиссиясининг мажлислари аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади.

27. Баҳолаш комиссияси давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси юзасидан якуний қарорни очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилади.

28. Баҳолаш комиссияси мажлисларига баҳолаш жараёнида юзага келган ноаниқлик ва бошқа зарур деб топилган ҳолларда вазирлик ва идораларнинг экспертлари, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

29. Баҳолаш комиссияси қарори комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

30. Овозлар тенг бўлганда, Баҳолаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

31. Баҳолаш комиссияси қарорлари унинг аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

32. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси ҳар йил якунларига қўра (кейинги йилнинг 1 апрелига қадар) Агентлик томонидан «eanticor.uz» электрон платформаси ва оммавий ахборот воситалари орқали очиқ эълон қилинади.

33. Агентлик Баҳолаш комиссияси қарори билан тасдиқланган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларини ҳар йили 15 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

3-боб. Очиқлик индексини ҳисоблаш тартиби

34. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражаси аниқланадиган индикаторлар миқдориغا қараб «0» баллдан «100» баллгача баҳоланиб, Очиқлик индекси «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратилади.

35. Индикаторларни баҳолаш натижаларига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражаси рейтинг бали бўйича:

71 баллдан 100 баллгача бўлганда — «яшил»;

55 баллдан 71 баллгача бўлганда — «сарик»;

55 баллдан паст бўлганда — «қизил» деб топилади.

36. Баҳолаш индикаторлари бўйича баллар қуйидагича тақсимланади:

биринчи индикатор — максимал 10 балл;

иккинчи индикатор — максимал 25 балл;

учинчи индикатор — максимал 21 балл;

тўртинчи индикатор — максимал 6 балл;

бешинчи индикатор — максимал 10 балл;

олтинчи индикатор — максимал 4 балл;

еттинчи индикатор — максимал 16 балл;

саккизинчи индикатор — максимал 8 балл;

37. Якуний балл мазкур Методиканинг 2-бобида кўрсатилган индикаторлардаги балларни бир-бирига қўшиш орқали аниқланади.

4-боб. Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар

38. Баҳолаш комиссияси баёни билан:

«яшил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги ижобий тажрибасини оммавий ахборот воситалари орқали оммалаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади;

«яшил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимларини бюджет ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида (бир марталик) рағбатлантириш бўйича таклиф киритиб борилади;

«сарик» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда қўмаклашиш ва амалий ёрдам бериш чоралари кўрилади;

«қизил» тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида таклиф киритиб борилади;

очиқликни таъминлашда тизимли равишда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

5-боб. Якунловчи қоида

39. Ушбу Методика талабларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш
бўйича методикага
1-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга масъул бўлган
ходимлар фаолиятининг самарадорлигини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т / р	Баҳолаш мезонлари	Бал лар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-турлар, тақдимотлар ҳамда бошқа тадбирлар (тадбирлар) сони			
1.	6 ва ундан ортиқ тадбир	10	
	5 та тадбир	8	
	4 та тадбир	6	
	3 та тадбир	4	
	2 ва ундан кам тадбир	0	
Ижтимоий тармоқларда онлайн трансляциялар сони			
2.	6 ва ундан ортиқ онлайн трансляция	10	
	5 та онлайн трансляция	8	
	4 та онлайн трансляция	6	
	3 та онлайн трансляция	4	
	2 ва ундан кам онлайн трансляция	0	
Матбуот анжуманлари, брифинглар ва бошқа тадбирларда раҳбарларнинг иштироки			
3.	раҳбар иштирок этса	10	
	раҳбарнинг биринчи ўринбосари иштирок этса	8	
	раҳбарнинг ўринбосари иштирок этса	6	
	раҳбарлар иштирок этмаса	0	
Ахборотни етказиб бериш шакли (ҳар ойда камида бир марта)			
4.	инфографика тарзида	10	
	фото, видео шаклида	8	
	матн шаклида	6	
	ахборот эълон қилинмаса	0	
Ахборотнинг қамрови			
5.	радио, телевидение, газета, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва веб-сайтда эълон қилиниши	10	
	фақат ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва веб-сайтда эълон қилиниши	8	
	фақат радио, телевидение ва газетада эълон қилиниши	6	
	радио, телевидение, газета, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ёки веб-сайтда эълон қилиниши	4	
	ахборот эълон қилинмаса	0	
Соҳага оид муаммоларни ёритиш			
6.	биринчи манба сифатида ёритиш	10	
	эълон қилинган танқидий материалга муносабат билдириш	5	

	биринчи манба сифатида ёритмаса ёки эълон қилинган танқидий материалга муносабат билдирмаса	0	
Танқидий материалларга муносабат билдиришнинг тезкорлиги			
7.	танқидий материал эълон қилинган вақтдан бошлаб 5 соат ичида	10	
	танқидий материал эълон қилинган вақтдан бошлаб 12 соат ичида	8	
	танқидий материал эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида	4	
	танқидий материал эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соатдан кейин	0	
Тадбирлар ҳақидаги ахборотларнинг расмий веб-сайт, мессенжер ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши тезкорлиги			
8.	тадбир якунлангандан кейин 1 соат ичида	10	
	тадбир якунлангандан кейин 5 соат ичида	8	
	тадбир якунлангандан кейин 12 соат ичида	4	
	тадбир якунлангандан кейин 12 соатдан кейин	0	
Раҳбар ёки ахборот хизмати раҳбарининг муайян ахборот воқелиги муносабати билан расмий баёнот бериши			
9.	видео форматида	10	
	матн шаклида	5	
	баёнот берилмаса	0	
Хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиниши			
10.	ташкилот фаолияти ҳақида хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилинса	10	
	ташкилот фаолияти ҳақида хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилинмаса	0	
	Мезонлар сони	10 та	
	Умумий балл	100	

У

Ж =

10

Индикатор бўйича балларни ҳисоблаш тартиби:

Бунда:

У — давлат органи ёки ташкилотининг матбуот котиби томонидан жорий баҳолаш даврида барча мезонлар бўйича тўпланган умумий балларнинг йиғиндиси;

10 — ахборот хизмати раҳбарининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари сони (жорий баҳолаш даврида тўпланган баллар баҳолаш мезонлари сонига бўлинади);

Ж — жами ҳисобланган балл (жорий баҳолаш даврида тўпланган баллар баҳолаш мезонлари сонига бўлинганида ҳосил бўлган балл).

Изоҳ:

1. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан жамланиб, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирувчи органга тақдим қилинади.

Мувофиқлаштирувчи орган томонидан умумий тўпланган баллар индикаторда кўрсатилган мезонлар сонига бўлиниб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

2. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда, ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадвалларни ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага
2-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида ахборотларни
жойлаштириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш ҳолатини**

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

T/p	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Қайта алоқа тизимининг самарали йўлга қўйилганлик даражаси			
1.	фаолият соҳасига оид аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тез-тез бериладиган саволларга жавоблар учун алоҳида саҳифа ташкил этилиб, уларга қонунчилик ҳужжатлари асосида асослантирилган ва ўз вақтида жавоблар эълон қилиб борилса	1	
	саҳифадаги маълумотларни ҳар уч ойда янгилаб бориш тартибига риоя қилинмаса	0,5	
	саҳифа ташкил этилмаган бўлса	0	
Ташкилот фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш даражаси			
2.	ўз фаолиятига тааллуқли бўлган (ҳуқуқий мақомини, шу жумладан таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, вазифа ва функцияларини белгилайдиган) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ эълон қилинса	1	
	тўлиқ эълон қилинмаса ёки уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб етти кун муддатда янгиланмаган бўлса	0,5	
	ҳужжатлар эълон қилинмаса	0	
Ички идоравий ҳужжатларни эълон қилиш даражаси			
3.	қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларга оид масалалар, давлат хизматларини ҳамда хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш тартиби, муддатлари ва қийматини тартибга солувчи ҳужжатлар эълон қилинса	1	
	тўлиқ ҳажмда эълон қилинмаса ёки уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳужжат расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечиктириб эълон қилинса	0,5	
	ҳужжатлар эълон қилинмаса	0	
Ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
4.	олдин қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб етти кун муддатда эълон қилинса	1	
	ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги маълумотлар етти кун муддатдан кейин эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Тасдиқланган дастурлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
5.	Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ҳукумат томонидан давлат органи ва ташкилоти фаолияти соҳасида тасдиқланган дастурлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинса	1	

	дастурларнинг ижроси ҳақидаги маълумотларни бир ҳафтада камида бир марта янгиланиб бориш тартибига риоя қилинмаган бўлса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
6.	ўтказилган ва ўтказилиши режалаштирилган оммавий тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборотлар эълон қилинса	1	
	ўтказилиши режалаштирилган оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар тадбир ўтказилишидан бир сутка олдин эълон қилинмаса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
7.	бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ ҳажмда эълон қилинмаса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
8.	ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари билан бирга уларнинг ишлаб чиқилиши ва идоралараро келишуви, шунингдек, муҳокамаси ўтказиладиган электрон тизимлардаги (портал, платформа) ҳаволаси ҳақидаги маълумотлар (лойиҳанинг паспорт маълумотлари) эълон қилинса	1	
	маълумотлар ҳужжатларнинг расмий веб-сайт ёки электрон тизимлардаги ҳаволаларини киритиш тўғрисидаги талаблар бузилган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
9.	ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ эълон қилинса	1	
	мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари таркиби ҳақидаги маълумотларни янгилаб боришга оид талаблар (ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида) бузилган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
10.	давлат органлари ва ташкилотлари тузилмасининг схематик тасвири, шу жумладан ҳудудий органлари вазифалари ва функцияларининг тавсифи, ҳудудий органлар раҳбарларининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда алоқа маълумотлари (телефон рақами, почта, электрон манзили ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ ҳажмда эълон қилинмаса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	

Идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг веб-сайтига ҳаволалар мавжудлиги			
11.	ўз расмий веб-сайтида идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг веб-сайтларига ҳаволалар мавжудлиги	1	
	идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг веб-сайтларига ҳаволалар ишчи ҳолатда бўлмаса	0,5	
	ҳаволалар жойлаштирилмаса	0	
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши			
12.	жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби (раҳбарнинг қабул кунлари, мурожаатлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаларнинг телефон рақамлари, манзилли реквизитлар (почта, электрон манзили ва бошқалар), маълумотлар бериш хизмати, «ишонч телефонлари»нинг рақамлари, кириш йўллари, тўхташ жойлари, жамоат транспорти рақамлари ва жавоб хатларини олиш усуллари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгиланган бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Мурожаатларнинг умумлаштирилган натижаларини эълон қилиб бориш даражаси			
13.	реал вақт режимида мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида умумлаштирилган маълумотлар (умумий кўриб чиқилган, шундан қаноатлантирилган, тушунтириш берилган, рад қилинган, тааллуқлилиги бўйича юборилган, аноним деб топилган ва кўриб чиқиладиган мурожаатлар) эълон қилинса	1	
	маълумотлар қисман эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Бошқа расмий веб-сайтлар ва Ҳукумат порталига ҳаволаларнинг мавжудлиги			
14.	Интернет тармоғидаги ўнтадан кам бўлмаган веб-сайт ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ҳаволалар мавжуд бўлса	1	
	бештадан кам бўлмаган веб-сайт ва Ҳукумат порталига ҳаволалар мавжуд бўлса	0,5	
	ҳаволалар мавжуд бўлмаса	0	
Долзарб мавзуларга оид маълумотлар тўпламининг алоҳида бўлимга тизимлаштирилиши			
15.	ижтимоий аҳамиятга молик очик маълумотлар, коррупцияга қарши курашиш, очик бюджет ва электрон давлат хизматлари алоҳида бўлимда жойлаштирилса	1	
	белгиланган маълумотлар бўлимларга тўлиқ бўлмаган шаклда жойлаштирилса	0,5	
	маълумотлар бўлимларга тизимлаштирилмаган бўлса	0	
Матбуот хизмати ва веб-сайт учун масъул бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги			
16.	матбуот хизмати ва расмий веб-сайтга ахборотларни жойлаштириш ва янгиланган учун жавобгар ходимнинг алоқа маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, телефон, почта ва электрон манзиллари)	1	
	маълумотлар тўлиқ жойлаштирилмаса	0,5	
	маълумотлар жойлаштирилмаса	0	

Маълумотларни бошқа тилларга синхронлаш функцияларининг мавжудлиги			
17.	расмий веб-сайтдаги барча саҳифалар ва уларга жойлаштирилган маълумотларни хорижий тилларга (рус ва инглиз) синхрон таржима қилиш функцияси мавжуд бўлса (заруратга кўра, кундалик бериб бориладиган хабар тарзидаги маълумотлар)	1	
	хорижий тилларга синхрон таржима қилиш функцияси қисман мавжуд бўлса	0,5	
	синхрон таржима қилиш функцияси мавжуд бўлмаса	0	
Расмий веб-сайтнинг мобил версияси мавжудлиги			
18.	мобил қурилмалар учун соддалаштирилган дизайндаги ёки саҳифалар мослаштирилган веб-сайт версиясининг мавжудлиги	1	
	соддалаштирилган дизайн ва саҳифалар тўлиқ мослаштирилган бўлса	0,5	
	веб-сайтнинг ушбу версиялари мавжуд бўлмаса	0	
Янги маълумотлар билан интерактив усулда танишиш имкони мавжудлиги			
19.	веб-сайтдаги янгиликлар ва янгилашларга, шу жумладан янгилашлар ва янгиликларни етказиб беришнинг оммабоп автоматлаштирилган форматлари (SMS ёки PUSH хабар) орқали обуна бўлиш имконияти мавжуд бўлса	1	
	янгиликлар ва янгилашлар ҳақида автоматлаштирилган форматлар тўлиқ ташкил этилмаган бўлса	0,5	
	обуна бўлиш имконияти мавжуд бўлмаса	0	
Жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаларининг жорий этилганлиги			
20.	ўз фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш воситалари (онлайн-сўровлар, блоглар, форумлар, онлайн-чат) жорий этилиб, уларнинг натижалари тўғрисида ҳисоботлар эълон қилинса	1	
	жамоатчилик фикрини ўрганиш воситалари қисман жорий этилган бўлса ёки ҳисоботлар эълон қилинмаса	0,5	
	сўровнома ўтказилмаса	0	
Веб-сайтда маълумотларни қидиришнинг соддалаштирилган усуллари мавжудлиги			
21.	веб-сайт харитаси мавжуд бўлса ва иерархик структурасида фойдаланувчининг жойлашган жойи акс эттирилса	1	
	қисман ташкил этилган бўлса	0,5	
	ташкил этилмаган бўлса	0	
Имконияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлиги			
22.	имконияти чекланган шахслар учун расмий веб-сайтдан фойдаланиш учун ташкил этилган хизматлар (веб-сайтдаги матнни товуш жўрлигида бериш имконияти, аудио ва видеоматериалларнинг матн ёки сурдотаржима кузатуви) мавжуд бўлса	1	
	хизматлар қисман ташкил этилган бўлса	0,5	
	хизматлар ташкил этилмаган бўлса	0	
Кўриш қобилияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлиги			
23.	кўриш қобилияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш учун ташкил этилган хизматлар (кўриш қобилияти заифлашган шахсларни қўллаб-қувватлаш, стандарт рангларни муайян фойдаланувчи кўрадиган рангларга ўзгартириш имконини берадиган рангли созламалардан фойдаланиш, шрифт ва интерфейс элементларини масштаблаш) мавжуд бўлса	1	

	хизматлар қисман ташкил этилган бўлса	0,5	
	хизматлар ташкил этилмаган бўлса	0	
Ахборотларнинг санасини кўрсатиш тартибига риоя қилиниши			
24.	расмий веб-сайтга жойлаштириладиган барча ахборот ва маълумотларнинг санаси кўрсатилиши тартибига риоя қилинган бўлса	1	
	санани кўрсатиш тартибига барча маълумот ёки ахборотларни жойлаштиришда тўлиқ риоя қилинмаса	0,5	
	санаси кўрсатилмаган бўлса	0	
«Онлайн маслаҳатчи» хизматининг ташкил этилганлиги			
25.	ташкилот фаолиятига, шунингдек, расмий веб-сайтга маълумотларни жойлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатишга оид саволларга реал вақт режимида жавоб олиш имконини берувчи «Онлайн маслаҳатчи» хизмати мавжуд бўлса	1	
	хизмат орқали йўлланган саволларга жавоб бериш механизмлари тўлиқ фаолият кўрсатмаса	0,5	
	хизмат йўлга қўйилмаса	0	
	Мезонлар сони	25 та	
	Индикаторлар бўйича умумий балл	25	

Изоҳ:

1. Индикаторнинг барча баҳолаш мезонларидаги маълумотлар (ахборотлар) ҳамда кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилиниши ёки кўрсатилиши даражаси бўйича баҳоланади (давлат сирлари ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

2. Ҳар бир баҳолаш мезонининг биринчи бандида белгиланган барча талаблар тўлиқ бажарилмаган, янгилаб бориш даврийлигига риоя қилинмаган, ҳажмининг тўлиқ эмаслиги ёки нотўғри маълумотлар киритилган, шунингдек, фойдаланиш қулайлиги талабларига риоя қилинмаган тақдирда, жамланган умумий фоиз кўрсаткичидан 1 баллдан 3 баллгача айириб ташланиши мумкин.

3. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан жамланиб, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирувчи органга тақдим қилинади.

Мувофиқлаштирувчи орган томонидан умумий тўпланган баллар индикаторда кўрсатилган мезонлар сонига бўлиниб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

4. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда, ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадвалларни ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага
3-ИЛОВА

Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйилишини

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Ўз фаолиятига оид ҳисоботларни эълон қилиш ҳолати			
1.	ҳар йили 1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботлар расмий веб-сайтида эълон қилинса	1	
	ҳисоботлар уларни эълон қилиш муддатига қўйилган талабларни бузган ҳолда эълон қилинса	0,5	

	ҳисоботлар эълон қилинмаса	0	
Ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш			
2.	ҳар йили 10 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида маълумотлар эълон қилинса	1	
	муҳокама жойи ва вақтини эълон қилиш муддатига қўйилган талаб бузиб эълон қилинса	0,5	
	эълон қилинмаса	0	
Ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш ҳолати			
3.	ҳар йили 1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказса	1	
	матбуот анжуманларини уларни ўтказиш муддатига қўйилган талабни бузиб ўтказса	0,5	
	матбуот анжуманларини ўтказмаса	0	
Тасдиқланган иш режалар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
4.	давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва йиллик иш режалари эълон қилинса	1	
	тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	иш режалар эълон қилинмаса	0	
Ҳисобот (ҳайъат) йиғилишлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
5.	йил давомида ўтказилган ҳисобот (ҳайъат) йиғилишларининг видеоёзувлари ва баённомалари эълон қилинса	1	
	тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	видеоёзув ва баённомалар эълон қилинмаса	0	
Мансабдор шахсларнинг харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
6.	мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари ҳақидаги маълумотлар (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, тури, молиялаштириш манбаи, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар) эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Автомобилтранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
7.	тасарруфидаги хизмат автомобилтранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар (сони, русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, балансга олинган вақти ва қиймати, сақлаш харажатлари, ҳисобот даврида ҳаракатланган масофаси) очик эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			

8.	тасарруфидаги хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар (сони, жойлашган манзили, давлат рўйхатидан ўтказилган кадастр рақами, балансга олинган вақти, қиймати, қайта баҳоланган нархи ва сақлаш харажатлари) очиқ эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Харажатлар сметаси тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
9.	тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари, автомобилотransпорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар очиқ эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
10.	бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг тушумлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
11.	амалга оширилган ҳар бир давлат хариди (аукцион, электрон дўкон, миллий дўкон, энг яхши таклифни танлаш, тендер ва тўғридан-тўғри харид) тўғрисидаги маълумотлар (лот рақами, харид тури, миқдори, молиялаштириш манбаи, етказиб берувчи номи ва СТИР рақами, харид бошланғич қиймати, харид амалга оширилган қиймат, шартнома рақами ва санаси, етказиб бериш муддати, тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олишнинг асоси) эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Давлат харидини режалаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
12.	давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин) эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки харид амалга оширилишидан олдин эълон қилиш белгиланган муддатларга риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Харид комиссияси таркиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
13.	давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар (харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги	1	

	қарор, харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари, шу жумладан фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) эълон қилинса		
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Давлат харидларини амалга оширишга оид тартиб-таомиллар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
14.	давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилловчи ички идоравий ҳужжат ҳамда давлат харидларига оид шикоятларни кўриб чиқувчи комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (комиссия таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор, харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари, шу жумладан фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) эълон қилинса	1	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Очиқлик соҳасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
15.	ҳар йили очиқлик соҳасидаги ўз фаолиятини такомиллаштириш ёки кўламини кенгайтириш бўйича 3 тадан кам бўлмаган таклифлар ишлаб чиқиб, очиқ эълон қилинса	1	
	ҳар йили 2 тадан кам бўлмаган таклифлар ишлаб чиқиб, эълон қилинган бўлса	0,5	
	таклиф эълон қилинмаса	0	
Ўзини ўзи баҳолаш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
16.	давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳар йил якуни бўйича ўз тасарруфидаги таркибий тармоқлар, муассаса, корхона ва ташкилотлар ҳамда қуйи органларда очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиб, якуний ҳисоботлар очиқ эълон қилиб борилса	1	
	якуний ҳисоботлар асослантилмаган, қамрови тўлиқ бўлмаган ёки аниқланган муаммоларни олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган ҳолда эълон қилинса;	0,5	
	тизим жорий этилмаган ва ҳисоботлар эълон қилинмаган бўлса	0	
Очиқлик соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
17.	очиқликни таъминлаш ҳақидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги юзасидан шикоят қилиш механизмлари (тартиби) ишлаб чиқилиб, бу ҳақдаги маълумотлар (ушбу тоифадаги шикоятларни кўриб чиқиш учун масъул шахс бириктирилганлиги, алоҳида алоқа каналлари, шу жумладан қайта алоқанинг интерактив	1	
	йўллари мавжудлиги, мурожаатни коллегия тартибда ёки раҳбарият даражасида кўриб чиқиш тартиби ўрнатилганлиги) очиқ эълон қилинса		
	белгиланган маълумотлар тўлиқ шаклда эълон қилинмаса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	

Очиқликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
18.	очиқлик соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлар, шу жумладан ички идоравий ҳужжатларнинг бошқа тиллардаги таржималари (рус ва инглиз) эълон қилинса	1	
	белгиланган тиллардаги версияларда тўлиқ эълон қилинмаса	0,5	
	ҳужжатлар эълон қилинмаса	0	
Очиқликни таъминлаш бўйича онлайн сўровнома ўтказиш блокиннинг ташкил этилганлиги			
19.	ўз фаолиятида аҳолини қизиқтирган масалалар, шу жумладан очиқликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан онлайн сўровнома ўтказиб борилса (ҳар ярим йилда бир маротаба)	1	
	сўровномани ўтказиш муддати бузилиб ўтказилса	0,5	
	сўровнома ўтказилмаса	0	
Очиқ маълумотлар тўпламини паспортлаш тартибининг жорий этилганлиги			
20.	ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар тўпламини (расмий веб-сайтда) бир хил идентификация қилиш имконини берувчи паспорт маълумотлари (тўпламнинг номи, идентификация рақами, таркиби, мулкдори, тўплам учун масъул шахс, масъул шахснинг телефон рақами ва электрон почта манзили, тўпламнинг очиқ маълумотлар порталидаги манзили, формати, дастлаб жойлаштирилган санаси, охириги янгиланган санаси, даврий янгиланган бориш муддати ҳамда калит сўзлар) асосида эълон қилинса	1	
	тўпламнинг белгиланган паспорт маълумотлари тўлиқ эълон қилинмаса	0,5	
	паспорт маълумоти мавжуд бўлмаса	0	
Очиқ маълумотлар тўплами ва қайта алоқа самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилганлиги			
21.	ҳар бир очиқ маълумотлар тўпламининг долзарблигини баҳолаш имконияти (тўпламни автоматик баҳолаш, сўровлар юбориш, долзарблигини ошириш юзасидан таклифлар қабул қилиш, матн шаклида изоҳ қолдириш ва тўплам кўриб чиқилган ҳамда кўчириб олган фойдаланувчилар сони) ташкил этилган бўлса	1	
	тўплам долзарблигини баҳолашда белгиланган чоралар тўлиқ ташкил этилмаса	0,5	
	баҳолаш имкониятлари мавжуд бўлмаса	0	
	Мезонлар сони	21 та	
	Индикатор бўйича умумий балл*	21	

Изоҳ:

1. Индикаторнинг барча баҳолаш мезонларида кўрсатилган очиқ маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилиш даражаси бўйича баҳоланади (давлат сирлари ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

Бунда, индикаторнинг баҳолаш мезонларида кўрсатилган маълумотлар (ахборот, блок, тизим, тартиб) расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида алоҳида бўлимга жойлаштирилиши, маълумотлар бошқа саҳифага (веб-манзилга) жойлаштирилган тақдирда баҳолаш мезони бажарилмаган деб топилишига сабаб бўлади.

2. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан жамланади ва Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирилиб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

3. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадваллар ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

*Баҳолаш мезонлари бўйича маълумотларни эълон қилиш ва янгилаб боришнинг қонунчилик ёки Методикада кўрсатилган ҳар бир муддатлари (давр) алоҳида баҳолаб борилади.

Индикатордаги 6 — 11-мезонлар бўйича баҳолаш балларини якуний ҳисоблаш тартиби:

$$Ж = \frac{У}{4(2)}$$

Бунда:

У — давлат органи ёки ташкилотнинг баҳолаш йили давомида бутун давр учун тўплаган умумий балларининг йиғиндиси;

4 (2) — баҳолаш мезонларида кўрсатилган маълумот (ахборот) баҳолаш йили давомида янгиланиши лозим бўлган даврийлик миқдори (бутун давр учун тўплаган баллар маълумотларни янгилаб бориш даврийлигига бўлинади);

Ж — жами ҳисобланган балл (бутун давр учун тўплаган баллар маълумотларни янгилаб бориш даврийлигига бўлинганида ҳосил бўлган балл).

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага
4-ИЛОВА

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилишини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Маблағлар тақсимоти тўғрисидаги маълумотнинг эълон қилиниши			
1.	ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти тўғрисида маълумотлар белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилинса	1	
	маълумотларни эълон қилиш шаклига қўйилган талаблар бузилиб ёки белгиланган муддатдан кечикиб эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
2.	капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилинса	1	
	маълумотларни эълон қилиш шаклига қўйилган талаблар бузилиб ёки белгиланган муддатдан кечикиб эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
3.	ўтказилган энг яхши таклифни танлаш (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилинса	1	
	маълумотларни эълон қилиш шаклига қўйилган талаблар бузилиб ёки белгиланган муддатдан кечикиб эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Асосий воситаларнинг харид қилиниши тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			

4.	асосий воситаларни харид қилиш учун ўтказилган энг яхши таклифни танлаш (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилинса	1	
	маълумотларни эълон қилиш шаклига қўйилган талаблар бузилиб ёки белгиланган муддатдан кечикиб эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг хариди тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
5.	кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилинса	1	
	маълумотларни эълон қилиш шаклига қўйилган талаблар бузилиб ёки белгиланган муддатдан кечикиб эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
6.	қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган танловлар (тендерлар) тўғрисидаги маълумотлар белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилинса	1	
	маълумотларни эълон қилиш шаклига қўйилган талаблар бузилиб ёки белгиланган муддатдан кечикиб эълон қилинса	0,5	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
	Мезонлар сони	6 та	
	Индикаторлар бўйича умумий балл	6	

Изоҳ:

1. Индикаторнинг барча баҳолаш мезонларида кўрсатилган очиқ маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилиш даражаси бўйича баҳоланади (давлат сирлари ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

2. Ҳар бир баҳолаш мезонининг биринчи бандида кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилмаган, янгилаб бориш даврийлигига риоя қилинмаган, ҳажмининг тўлиқ эмаслиги ёки нотўғри маълумотлар киритилган тақдирда, жамланган умумий фоиз кўрсаткичидан 1 баллгача айириб ташланиши мумкин.

3. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Молия вазирлиги томонидан жамланиб, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирувчи органга тақдим қилинади.

Мувофиқлаштирувчи орган томонидан умумий тўпланган баллар индикаторда кўрсатилган мезонлар сонига бўлиниб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

4. Молия вазирлиги мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадваллар ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага
5-ИЛОВА

Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар жойлаштирилишини

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар тўпламининг эълон қилиниши			
1.	белгиланган маълумотлар тўплами 100 фоизлик кўрсаткичда эълон қилинса	2	

	71 фоиздан 86 фоизгача кўрсаткичда эълон қилинса	1	
	55 фоиздан 71 фоизгача кўрсаткичда эълон қилинса	0,5	
	55 фоиздан кам кўрсаткичда эълон қилинса	0	
Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар тўпламининг эълон қилиниши			
2.	белгиланган маълумотлар тўплами 100 фоизлик кўрсаткичда эълон қилинса	2	
	71 фоиздан 86 фоизгача кўрсаткичда эълон қилинса	1	
	55 фоиздан 71 фоизгача кўрсаткичда эълон қилинса	0,5	
	55 фоиздан кам кўрсаткичда эълон қилинса	0	
Геопозицияга боғланган очик маълумотлар тўпламининг улуши			
3.	белгиланган маълумотлар тўплами 100 фоизлик кўрсаткичда боғланса	2	
	71 фоиздан 86 фоизгача кўрсаткичда боғланса	1	
	55 фоиздан 71 фоизгача кўрсаткичда боғланса	0,5	
	55 фоиздан кам кўрсаткичда боғланса	0	
Электрон ҳукумат ягона идентификаторларига боғланган очик маълумотларнинг сони			
4.	маълумотлар 100 фоизлик кўрсаткичда боғланса	2	
	71 фоиздан 86 фоизгача кўрсаткичда боғланса	1	
	55 фоиздан 71 фоизгача кўрсаткичда боғланса	0,5	
	55 фоиздан кам кўрсаткичда боғланса	0	
Очик маълумотлар асосида ишлаб чиқилган мобил иловалар сони			
5.	ҳар йили 3 тагача мобил иловалар ишлаб чиқилса	2	
	2 тагача мобил иловалар ишлаб чиқилса	1	
	1 та мобил илова ишлаб чиқилса	0,5	
	мобил илова ишлаб чиқилмаса	0	
	Мезонлар сони	5 та	
	Умумий балл	10*	
$W = \frac{Q - F}{Q} \times 100\%$ *Мезон бўйича баҳолаш балларини якуний ҳисоблаш тартиби: Бунда: W — эълон қилинган (боғланган) маълумотлар тўпламининг фоиз кўрсаткичи; Q — баҳоланадиган кўрсаткичларнинг умумий миқдори; F — ижро этилмаган кўрсаткичларнинг умумий миқдори; Q — баҳоланадиган кўрсаткичларнинг умумий миқдори.			

Изоҳ:

1. Индикаторнинг барча баҳолаш мезонларида кўрсатилган маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очик маълумотлар порталида эълон қилиш даражаси бўйича баҳоланади (давлат сирлари ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

2. Баҳолаш мезони бўйича эълон қилинган (боғланган) маълумотларни янгилаш даврийлигига риоя қилинмаганлиги, ҳажмининг тўлиқ эмаслиги ёки нотўғри эканлиги, фойдалана олиш имконияти ва қулайлиги талабларга жавоб бермаган тақдирда, жамланган умумий фоиз кўрсаткичидан 1 баллдан 3 баллгача айириб ташланиши мумкин.

3. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Давлат статистика қўмитаси томонидан жамланиб, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирувчи органга тақдим қилинади;

Мувофиқлаштирувчи орган томонидан умумий тўпланган баллар индикаторда кўрсатилган мезонлар сонига бўлиниб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

4. Давлат статистика қўмитаси мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадваллар ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш
бўйича методикага
6-ИЛОВА

**Оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилинишини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

T/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Қайта алоқанинг ташкил этилганлиги			
1.	«Ишонч телефонлари» (Call-марказлар) орқали қайта алоқа ташкил этилган бўлса	1	
	қайта алоқа йўлга қўйилмаган бўлса	0	
Мурожаат йўллашнинг интерактив усуллари ташкил этилганлиги			
2.	мурожаатни тўғридан-тўғри веб-сайт ёки унинг мобил версияси орқали юбориш, кўриб чиқиш жараёнини реал вақт режимида кузатиб бориш, шахснинг идентификация маълумотлари асосида жавоб олиш, кўриб чиқиш натижаларига нисбатан муносабат билдириш ва баҳолаш имконияти мавжуд бўлса	1	
	мурожаатни йўллаш ва кўриб чиқишнинг интерактив усуллари қисман жорий этилган бўлса	0,5	
	мурожаат йўллашнинг имкони мавжуд бўлмаса	0	
Фойдаланувчилар билан коммуникация тармоғи орқали мулоқот қилиш тизими йўлга қўйилганлиги			
3.	фойдаланувчилар билан коммуникация тармоғи орқали мулоқот қилиш учун махсус дастурий таъминот ва унинг мобил иловаси мавжуд бўлса	1	
	махсус дастурий таъминот ва унинг мобил иловаси ишчи ҳолатда бўлмаса	0,5	
	махсус дастурий таъминот ва унинг мобил иловаси мавжуд бўлмаса	0	
Раҳбар билан бевосита мулоқот қилиш тизимининг ташкил этилганлиги			
4.	шахсан раҳбар билан мулоқот қилиш ва мурожаат йўллаш тизими ташкил этилган бўлса	1	
	раҳбар ўринбосарлари билан мулоқот қилиш ва мурожаат йўллаш тизими ташкил этилган бўлса	0,5	
	мулоқот қилиш ёки мурожаат йўллаш тизими йўлга қўйилмаган бўлса	0	
	Мезонлар сони	4 та	
	Умумий балл	4	

Изоҳ:

1. Индикатор баҳолаш мезонларида кўрсатилган маълумот (ахборот) ва хизматлар давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайти ҳамда махсус дастурий таъминот воситалари орқали эълон қилиниши (давлат хизматини кўрсатиш) даражаси бўйича баҳоланади (давлат сирлари ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

2. Ҳар бир баҳолаш мезонининг биринчи бандида кўрсатилган барча талаблар тўлиқ бажарилмаган, ҳажмининг тўлиқ эмаслиги, нотўғри маълумотлардан фойдаланилган ёки фойдаланиш имконияти талабларига жавоб бермаган тақдирда, жамланган умумий фоиз кўрсаткичидан 1 баллгача айириб ташланиши мумкин.

3. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан жамланади ва Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирилиб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

4. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадваллар ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш
бўйича методикага
7-ИЛОВА

**Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиқлик
тамойилларидан фойдаланиш ҳолатини**
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

T/p	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир ички идоравий ҳужжатларнинг очиқ эълон қилиниши			
1.	коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир идоравий ҳужжатлар (коррупцияга қарши курашиш сиёсати, манфаатлар тўқнашувини бошқариш ҳақида низом, одоб-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубияти, контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома, давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом, коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва баҳолаш услубияти, коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида маълумот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қайта ишлаш регламенти, соҳадаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти) эълон қилинса	2	
	ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	1	
	ҳужжатлар эълон қилинмаса	0	
Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоҳида алоқа каналлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
2.	коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоҳида алоқа каналлари (қисқа рақамли «ишонч телефони», электрон почта ва бошқа электрон манзиллар, телеграм бот, платформа ёки бошқа махсус дастурий таъминот) ҳақидаги маълумотлар эълон қилинса	2	
	алоқа каналлари қисман ташкил этилса ёки тўлиқ эълон қилинмаса	1	
	алоқа каналлари ташкил этилмаса ва эълон қилинмаса	0	
Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими жорий этилганлиги			
3.	расмий веб-сайтда ишга қабул қилиш ва ротация тўғрисидаги маълумотлар (ахборот) эълон қилиниб, бўш иш ўринлари учун номзодларни танлаш жараёнлари жонли (онлайн) трансляция қилиб борилса	2	
	маълумотларни эълон қилиш, янгилаб бориш ва жонли трансляция қилиш тўлиқ амалга оширилмаса	1	
	маълумотлар эълон қилинмаса ва номзодларни танлаш жараёнлари жонли трансляция қилинмаса	0	

Коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини белгиловчи ҳужжатларни эълон қилиш даражаси			
4.	меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларда (меҳнат ёки жамоат шартномаси) коррупцияга қарши шартларни киритиш, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ва уларни таъқибга олмаслик кафолатини белгиловчи ички идоравий ҳужжатлар эълон қилинса	2	
	ҳужжатлар тўлиқ эълон қилинмаса	1	
	ҳужжатлар эълон қилинмаса	0	
Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг жорий этилганлиги			
5.	аниқланган ҳар бир манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига нисбатан ички идоравий текширув натижалари, қабул қилинган қарор ва уларнинг олдини олиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумот (ҳисобот, ахборот ва бошқа) эълон қилинса	2	
	эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларга қўйилган талаблар қисман бажарилса	1	
	маълумот эълон қилинмаса	0	
Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва натижалари ҳақида ҳисобдорлик тизими йўлга қўйилганлиги			
6.	коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар (таҳлиллар ва жамоатчилик сўровлари, шу жумладан онлайн сўровнома ва унинг натижалари, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш бўйича қўрилган чоралар ҳақидаги ҳисоботлар (ахборот), ички идоравий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза натижалари) эълон қилинса	2	
	эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларга қўйилган талаблар қисман бажарилса	1	
	маълумот эълон қилинмаса	0	
Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-таомилларидан хабардорлиги ҳамда соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши			
7.	ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан янги ишга қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш бўйича жорий этилган тизим, ишлаб чиқилган махсус ўқув дастурлар, қўлланма ва бошқа ҳужжатлар эълон қилинса	2	
	эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларга қўйилган талаблар қисман бажарилса	1	
	маълумот эълон қилинмаса	0	
Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган пресс-тадбирларни (матбуот анжуманлари, брифинг, семинар, тренинг, давра суҳбати, тақдимот, муҳокама ва бошқа тадбирлар) эълон қилиш даражаси			
8.	инфографика ва видео форматда эълон қилинса	1	
	фото ва матн шаклида эълон қилинса	0,5	
	ахборот эълон қилинмаса	0	
Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тайёрланган тарғибот материалларини (слайд, ролик, маъруза матнлари, мақола, буклет, рисола ва бошқалар) эълон қилиш даражаси			

9.	слайд, ролик, буклет ва рисола шаклида эълон қилинса	1	
	маъруза матнлари ва мақола шаклида эълон қилинса	0,5	
	ахборот эълон қилинмаса	0	
	Мезонлар сони	9 та	
	Умумий балл	16*	

Изоҳ:

1. Индикатор баҳолаш мезонларида кўрсатилган маълумотлар (ахборот) давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши ҳамда махсус дастурий таъминот воситалари орқали амалга оширилиши даражаси бўйича баҳоланади (давлат сирлари ва хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).

2. Баҳолаш мезонларининг биринчи бандида кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилмаган, ҳажмининг тўлиқ эмаслиги, нотўғри маълумотлар киритилган ёки фойдаланиш имконияти талабларга жавоб бермаган тақдирда, жамланган умумий фоиз кўрсаткичидан 1 баллдан 3 баллгача айириб ташланиши мумкин.

3. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан жамланади ва Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирилиб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

4. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадваллар ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

*Индикаторнинг 8 ва 9-баҳолаш мезонлари бўйича энг кам миқдор ҳар йили икки мартадан (иккитадан) кам бўлган тақдирда мезонлар бўйича максимал баллнинг 50 фоизи миқдорида баҳоланади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш
бўйича методикага
8-ИЛОВА

Жамоатчилик кенгашининг фаолияти самарадорлигини

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

T/p	Баҳолаш мезонлари	Баллар	Тўпланган балл
1	2	3	4
Расмий веб-сайтда жамоатчилик кенгаши ҳақидаги маълумотларнинг жойлаштирилиши			
1.	жамоатчилик кенгашига бағишланган алоҳида саҳифа ташкил этилиб, кенгаш фаолияти ҳақидаги (жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар, тасдиқланган аъзолари рўйхати, телефон рақами, почта ва электрон манзиллари, ижтимоий мессенжерлардаги расмий саҳифалари, давлат органи раҳбарининг даврий ҳисоботлари эшитуви ҳамда кенгаш фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақола ва чиқишларнинг ёритиб борилиши) маълумотлар эълон қилинса	2	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган, алоҳида саҳифадан бошқа манзилда ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	1	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
Жамоатчилик кенгашининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганлиги ҳамда белгиланган тартибда эълон қилинганлиги			
2.	жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган низоми, амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар бўйича ҳар йиллик чора-тадбирлар режаси ва тасдиқланган режа асосида ўтказилиши кутилаётган йиғилишлар жадвали эълон қилинса	2	

	ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	1	
	ҳужжатлар эълон қилинмаса	0	
Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш бўйича белгиланган талабларнинг бажарилиш даражаси			
3.	жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантиришга оид талабларга (таркибнинг камида 50 фоизини нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ташкил этиши ва Жамоатчилик палатаси билан келишилганлиги ҳақидаги маълумотлар киритилган давлат органи раҳбарининг қарори, аъзоларининг сони 15 нафардан кам бўлмаслиги, таркибида ишчи (эксперт) гуруҳлар ташкил этилганлиги) риоя этилиши ва бу ҳақдаги маълумотлар (ҳужжатлар) очик эълон қилинса	2	
	ҳужжатлар (маълумотлар) тўлиқ бўлмаган ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	1	
	ҳужжатлар (маълумотлар) эълон қилинмаса	0	
Жамоатчилик кенгашининг очикликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органи фаолиятини такомиллаштиришдаги иштироки			
4.	кенгашнинг очикликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органи фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширган чора-тадбирлар ҳақидаги (очиклик, шаффофлик ва жамоатчилик олдида ҳисобдорликни таъминлаш, давлат дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатлар бўйича берилган вазифаларнинг ижросига оид ҳисоботларни эшитиш, хорижий мамлакатлардаги аналогик органлар тажрибаси ўрганилиб, ички ҳужжатлар ва фаолиятни такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилганлиги) таҳлилий маълумотлар мунтазам эълон қилинса	2	
	маълумотлар тўлиқ бўлмаган, алоҳида саҳифадан бошқа манзилда ёки янгилаб бориш муддатларига риоя қилинмаган ҳолда эълон қилинса	1	
	маълумотлар эълон қилинмаса	0	
	Мезонлар сони	4 та	
	Умумий балл	8	

Изоҳ:

1. Индикатор баҳолаш мезонларида кўрсатилган маълумотлар (ахборот) давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши даражаси бўйича баҳоланади.

2. Ҳар бир баҳолаш мезонининг биринчи бандида кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилмаган, янгилаб бориш даврийлигига риоя қилинмаган, ҳажмининг тўлиқ эмаслиги ёки нотўғри эканлиги ёхуд фойдаланиш имконияти талабларга жавоб бермаган тақдирда, жамланган умумий фоиз кўрсаткичидан 1 баллгача айириб ташланиши мумкин.

3. Индикатор бўйича тўпланган умумий баллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан жамланади ва Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага 9-илова билан тасдиқланган схемада кўрсатилган муддатларда мувофиқлаштирилиб, жамланган ҳолда Баҳолаш комиссиясига тақдим қилинади.

4. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мазкур мезонлар доирасидан четга чиқмаган ҳолда, ўз баҳолаш кўрсаткичларини асослантиришга қаратилган қўшимча жадваллар ишлаб чиқиши ва фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикага
9-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини

БАҲОЛАШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Муддатлар	Масъул органлар
1-босқич	Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш	Методиканинг 10-бандида кўрсатилган муддатларда	Давлат органлари ва ташкилотларининг масъул ходимлари
2-босқич	Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган давлат органлари томонидан ўзлари масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш	Ҳар йили март ойининг 10-санасига қадар	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси
3-босқич	Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини давлат органлари ва ташкилотлари кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш	Ҳар йили март ойининг 20-санасига қадар	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
4-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш	Ҳар йили апрель ойининг 1-санасига қадар	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Баҳолаш комиссияси қарори асосида)
5-босқич	Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси	Ҳар йили апрель ойининг 15-санасига қадар	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

	Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш		
--	---	--	--

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон Фармониға
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонининг 2-банди қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, шу жумладан уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятлари ҳисобини юритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чораларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига оид долзарб масалаларни «Mening fikrim» веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига чиқариш;

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини узлуксиз тўлдириш, такомиллаштириб бориш ва янгилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларига «давлат органлари фаолияти очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлиги» маданиятини сингдириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони билан тасдиқланган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйидаги мазмундаги 35-позиция билан тўлдирилсин:

«

35.	Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истикболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар ярим йилликда	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, масъул вазирлик ва идоралар (лойиҳа ташаббускорлари)
-----	--	--------------------	-------------------	---

».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ-2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) 3-кичик банд қуйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталига жойлаштириб боради ва уларнинг ҳар чоракда янгилалишини таъминлайди»;

б) 5-кичик банд куйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталига жойлаштириб боради ва уларнинг ҳар чоракда янгилалишини таъминлайди».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3837-сон қарорида:

а) 4-бандда:

куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат органининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очiq эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгилалиб борилишини таъминлаш»;

саккизинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) иловада:

8-бандда:

куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат органининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очiq эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгилалиб борилишини таъминлаш»;

саккизинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

16-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари) ва уларга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичида давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши шарт»;

22-банд куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши шарт».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4761-сон қарорига илова куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПҚ-4761-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

ТУЗИЛМАСИ





Агентлик бошқарув ходимларининг умумий сони — 50 нафар».

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон)